



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI
BOSHQARISH AGENTLIGINING
YAGONA AKSIYADOR (ISHTIROKCHI) Q A R O R I**

2022 yil “26” июль

№ 90/08-2-қр

Toshkent sh.

**“Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик
жамиятининг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддаси, “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖ кузатув кенгаши мажлисининг 2022 йил 25 июндаги 2-сон баёни қарори ҳамда “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖнинг 2022 йил 6 июлдаги 01/538-сон мурожаатига асосан Давлат активларини бошқариш агентлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

“Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖнинг *(кейинги ўринларда – Жамият)* 2021 йил якуни буйича:

жами даромад 2 823,9 млн сўм ташкил этган ва ўтган йилга (2 815,4 млн сўм) нисбатан 8,4 млн сўмга кўпайиб, белгиланган (3 787,8 млн сўм) режа 74,5 фоизга бажарилганлиги;

давр харажатлари 1 599,8 млн.сўмни ташкил этган ва ўтган йилга (1 746,2 млн.сўм) нисбатан 146,4 млн.сўмга камайиб, белгиланган (2 079,4 млн.сўм) режа 76,9 фоизни ташкил этганлиги;

соф фойда 51,2 млн.сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (22,7 млн. сўм) нисбатан 2,2 баробарга кўпайиб, белгиланган (50,5 млн. сўм) режа 101,3 фоизга бажарилганлиги;

дебиторлик қарзлар 125 746,2 млн.сўмни ташкил этганлиги ва йил бошига (125 309,6 млн.сўм) нисбатан 436,5 млн.сўмга (0,3 фоизга) кўпайганлиги;

кредиторлик қарзлар 80,4 млн.сўмни ташкил этганлиги ва йил бошига (72,9 млн.сўм) нисбатан 7,4 млн.сўмга (10,1 фоизга) кўпайганлиги;

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш Регламенти”га асосан жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолати кўрсаткичлари паст рентабелли эканлиги;

жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботлари ҳаққонийлиги “Agrotaxlil” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг ижобий хулосаси олинганлиги;

корпоратив бошқарув тизими “Promstroy – Audit” МЧЖ томонидан баҳоланганлиги ва фаолият самарадорлигининг натижаси қониқарли деб топилганлиги;

қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга асосан жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва ички меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилганлиги;

жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 25 июндаги мажлисида кўриб чиқилганлиги ва маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни, жумладан бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши ҳолати тўғрисидаги жамиятнинг Бош директори (Х. Абдуллаев) ҳисоботи 1 – иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил молия – хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботи 2 – иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботларини аудиторлик текшируви натижаси юзасидан “Agrotaxlil” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосасини инобатга олиб, Жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоб варағи тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича олинган 51 242 220,0 сўм соф фойдаси, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 25 июндаги мажлисида берилган таклифларни инобатга олиб, қуйидагича тақсимлансин:

- 75 фоиз (38 431 665,0 сўм) жамият акциядорларига дивиденд тўлаш учун;

- 15 фоиз (2 562 111,0 сўм) жамият захира фондига;

- 10 фоиз (10 248 444,0 сўм) жамиятнинг инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига;

6. Жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган Бизнес-режаси жамият кузатув кенгашининг 2021 йил 30 ноябрдаги йиғилишида маъқулланганлигини инобатга олиб, 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг уставига киритилаётган ўзгартиришлар маъқуллансин ва жамиятнинг янги таҳрирдаги устави 4 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Ички назорат тўғрисида”ги, “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги, “Бошқарув ва назорат органлари ҳисоботларига доир талаблар тўғрисида”ги, “Йирик битимларни тузиш тўғрисида”ги, “Аффилланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида”ги, “Аудит қўмитаси тўғрисида”ги, “Тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида”ги, “Стратегия ва инвестициялар қўмитаси тўғрисида”ги низомлари 5-18-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

9. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси 19 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан давлат улуши бўйича номзодлар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сон қарори талабларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси билан келишилгунга қадар **амалдаги** аъзоларнинг ваколати узайтирилсин.

11. Жамият тафтиш комиссияси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 22 апрелдаги 01/08-1-18/298-сон кўрсатмасига асосан бекор қилинсин.

12. Жамият бош директори билан тузилган ишга ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси муддатини узайтириш масаласи юзасидан 2021 йил якуни бўйича бизнес-режанинг соф фойда кўрсаткичи бажарилганлигини инобатга олиб, келгусида дебитор ва кредитор қарздорликларни камайтириш ҳамда бизнес режа кўрсаткичлари ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини бажариш шarti билан жамиятда 2019 йилдан буён Бош директор лавозимида ишлаб келаётган Абдуллаев Хабиб Пулатович билан тузилган меҳнат шартномаси муддати узайтирилсин.

13. Жамият кузатув кенгаши (Махкамов)га Абдуллаев Хабиб Пулатович билан Бош директор сифатида меҳнат шартномасини расмийлаштиришни таъминлаш топширилсин.

14. Жамият Бошқарув раиси Х. П. Абдуллаев:

жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;


жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини яхшилаш, 2022 йилга мўлжалланган бизнес-режа кўрсаткичларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

ҳар чорак якуни бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини Давактив агентлигининг веб-сайтига (kpi.davaktiv.uz) электрон шаклда киритиб борилишини;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти якуни, жумладан бизнес-режанинг асосий кўрсаткичлари бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни ҳар чоракда жамият кузатув кенгашига тақдим этиб борилишини таъминлаш топширилсин.

15. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари А. Миралиев зиммасига юклатилсин.

Директор



А. Ортиқов